

“КЕЛИШИЛДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

“4” 11 2019 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги

“2” 11 2019 йил

**“Хуқуқ” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда
компетентлигига қўйиладиган**

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёни сифати, шунингдек тингловчилар томонидан эгалланган билим ва кўникмаларининг даражаси педагог кадрларга қўйиладиган малака талаблари билан белгиланади.

“Хуқуқ” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

2-боб. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар

**Педагог кадрлар қўйидаги йўналишларда билим, кўникма ва
малакаларга эга бўлиши лозим:**

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти, Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, кадрлар тайёрлаш бўйича тегишли таълим соҳасининг давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, шунингдек ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури моҳиятини билиш ва тушуна олиш;
- олий таълим тўғрисидаги норматив-хуқуқий ва директив ҳужжатларни билиш;

- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларини билиш ва амалда қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича билим ва кўникмаларга, тегишли маълумотларга эга бўлиш;
- ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини ўзлаштириш;
- ўқув фанлари мазмуни, шунингдек уларни изчиллик асосида ўқитиш методларини билиш;
- турли хилдаги ўқув машғулотларини (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс иши лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ўтказиш кўникмасига эга бўлиш;
- “Устоз – шогирд” анъаналарини давом эттира олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятига эга бўлиш;
- мустақил таълим олиш орқали ўз билимларини такомиллаштириб бориш методларини билиш ва амалда қўллаш кўникмасига эга бўлиш;
- талабаларда танқидий фикрлашни шакллантира олиш кўникмасига эга бўлиш;
- бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;
- кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва мунтазам равища такомиллаштириб бориш малакасига эга бўлиш;
- талабаларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;
- талабаларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш малакасига эга бўлиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни билиш;
- талабаларга давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ва соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтира олиш кўникмасига эга бўлиш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

Олий таълим муассасалари педагог кадрлари қўйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:

Хуқуқий компетентлик – таълим соҳасига оид норматив-хуқуқий хужжатларини, қонунчилик нормаларини билиш ҳамда қасбий фаолиятда самарали қўллаш, локаль хужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек қонунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

Касбий компетентлик – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган қасбий муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий таълим технологиялари, педагогик диагностика (сўров, индивидуал ва грухий интервью) технологиялари, психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни қўллай олиш ва доимий такомиллаштириб бориш, шу жумладан таълим олувчилар билан ўқув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт ва бошқа маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қўллаш.

Информацион компетентлик – педагогнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва қасбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарур ахборотларни узатиш ҳамда соҳага мослаштириш, мустақил билиш фаолиятини доимий ривожлантириш, масофавий таълим ва мультимедиа технологиялари, Интернет глобал тармоғидан, электрон таълим ресурсларидан ўқув мақсадларини амалга оширишда самарали фойдаланиш.

Коммуникатив компетентлик – таълим жараёнида самарали мулокотни таъминлайдиган, турли ёшдаги таълим олувчилар, ота-оналар, ҳамкаслар, ходимлар билан мулокот ўрнатиш, инсонлар билан ўзаро ҳамкорликда стратегия, тактика ва техникани шакллантиришни билиш, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга оширишда уларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш, нотиқлик санъати, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлиги, тақдимотларнинг самарали шакл ва методларини танлай олиш.

**3-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг
тасдиқланган Намунали таркибидан келиб чиқиб олий таълим
муассасалари педагог кадрларига қўйиладиган
малака талаблари**

3.1. Олий таълим соҳасида:

Педагог кадрлар:

- Мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган вазифаларни;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;
- 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг устувор йўналишларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни;
- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепцияларини;
- ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар мънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта ҳуқум ташаббусини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хуқуқий хужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатларини;
- коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини ва унинг олдини олиш омилларини;
- 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланган барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш каби вазифаларини **билиши лозим**.

- Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида таълим-тарбия соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш;
- Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммоларни таҳлил этиш;
- “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қиласин” гоясини тушинтира олиш;
- Ҳуқуқий фанларнинг ўқув режаларини давлат таълим стандартлари асосида, фаннинг ишчи дастурини эса фан дастурлари асосида ишлаб чиқиши кўникмаларига эга **бўлиши лозим**.

3.2. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат соҳасида педагог кадрлар:

- инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденцияларини;
- таълим тизимидағи илғор хорижий тажрибаларни;
- кредит тизимининг хусусиятлари ва тамойилларини;
- креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологияларини;
- педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторларини;
- педагогик квалиметрия (ўқув фаолияти натижаларини миқдор ва сифат жиҳатдан мониторинг қилиш ва баҳолаш доираси)нинг асосий тушунчалари ва тамойилларини;
- ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликларини;
- хориж таълим тажрибасида дифференциал ва тўлдирувчи таълим, интегратив ва масофавий таълим масалаларини **билиши** керак.
- таълим-тарбия жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- кредит тизими асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- талабаларнинг ва ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш;
- инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашиш;
- мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиясини тузиш;
- халқаро баҳолаш дастури мезонлари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни татбик этиш;
- талабаларни креатив фикрлашга йўналтириш;
- инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолаш, ўзи-ўзини касбий ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

3.3. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашда педагог кадрлар:

- ахборот-коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятларини;
- шахснинг таълим-тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини;
- виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлардан фойдаланишни;
- дастурий технологияларнинг таълимий хусусиятларини;
- педагогик дастурий воситаларнинг таълимий имкониятларини;
- медиакомпетентлик тушучаси мазмунини;
- Scopus, ScienceDirect тизимлари имкониятларини;
- Smart технологияларни;
- симуляторлар ва панорамик тасвирларларни **билиши керак**.
- ўқув-тарбия жараёнини оммавий, очик, онлайн курслар асосида ташкил этиш;
- педагогик дастурий воситалар асосида электрон таълим ресурсларини яратиш;
- Scopus, ScienceDirect тизимларида керакли маълумотларни қидириб топиш;
- таълим жараёнида Smart технологиялардан фойдаланиш **қўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
 - ўз фанини ўқитишда оммавий, очик, онлайн курслардан самарали фойдаланиш;
 - педагогик дастурий воситалар асосида мультимедиали ўқув курсларини яратиш;
 - педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect тизимлари асосида такомиллаштириш;
 - web-технологиялар ва уларнинг таълимий имкониятларини педагогик жараёнда қўллаш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

3.4. Амалий хорижий тил бўйича педагог кадрлар:

- хорижий тилни ўрганишнинг аҳамиятини;
- хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувларни;
- хорижий тил лексика ва грамматикасини ***билиши керак***.
- чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб борища фойдаланиш;
- мавзуга оид турли коммуникатив топшириклар воситасида тил кўникумаларини ахборот қабул қилиш ва етказиш учун қўллаш;
- хорижий тилда лингвистик компетенцияга эга бўлиш (тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш);
- чет тилидаги соҳага оид ва оммабоп матнларни таҳлил қилиш;
- хорижий тилда фикрни эркин баён қилиш;
- дискурс компетенция (матннинг муайян соҳага тегишлилигини ажратা олиш);
- стратегик компетенция (кўйилган мавзуга ёндашган ҳолда нутқни мантиқий ифодалаш);
- кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон хақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш ***кўникум ва малакаларига*** эга бўлиши лозим.
- соҳага йўналтирилган матнларни ўқиш ва унинг маъносини гапириб бериш;
- илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш;
- электрон хатлар ёзиш;
- соҳага йўналтирилган ўкув тақдимотларда хорижий тушунчалардан фойдаланиш ***компетенцияларга*** эга бўлиши лозим.

3.5. Тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари бўйича педагог кадрлар:

- тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳиятини;
- тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаларини;
- педагогик жараён ва унинг структуравий тузилмасини;
- олий таълим тизими таркиблари (мақсад ва вазифалари)ни;
- педагогик фаолиятда тизимли таҳлил методларини;
- қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувларни;
- педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатларини;
- педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш усулларини;
- мураккаб тизим структураси, педагогик тизимнинг структурасини;
- педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмасини тақдим этиш шаклларини *билиши* керак.
- олий таълим тизими таркиби (мақсад ва вазифалари)га тизимли ёндашиш;
- педагогик жараёнга тизимли ёндашиш;
- педагогик фаолиятда тизимли таҳлил методларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятда қарорларни шакллантириш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш;
- ўкув фани, ўкув фанининг бўлими, мавзуси бўйича асосий тушунчалар ва улар орасидаги боғланишлар тизимини ишлаб чиқиш;
- танланган мавзу бўйича асосий тушунчалар структурасини ишлаб чиқиш *қўникма ва малакаларига* эга бўлиши лозим.
- ОТМда педагогик жараёнини тизимли ёндашиш асосида ташкил этиш;
- олий таълим тизимида педагогнинг илмий-педагогик фаолиятида қарорларни тўғри шакллантириш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш *компетенцияларга* эга бўлиши лозим.

3.6. Махсус фанлар бўйича педагог кадрлар:

- хуқуқий фанлар назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- хуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини;
- муайян хукуқ соҳасига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни яратиш, уларни экспертиза қилишнинг хуқуқий усул ва воситаларини;
- хуқуқ соҳасига оид интернет тармоғида мавжуд энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни;
- глобализация жараёнларининг давлат ва хукуқ ривожига таъсирини;
- ўкув жараёнида назарий тайёргарликни хуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатура амалиёти тўғрисидаги маълумотларни;
- давлат ва хуқуқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини, давлат ва хукуқ ҳақидаги замонавий назариялар, мактаблар ва йўналишларни;
- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-хукуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни **билиши** керак.
- хуқуқий фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- хуқуқий фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишида таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ фойланиш;
- соҳага оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўкув жараёнида қўллай олиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишида замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига фаол тадбиқ этиш;
- хуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- Хуқукий фанларга оид процессуал ҳужжатлар билан ишлай олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишида амалиёт материалларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқук соҳасига тегишли илмий ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;
- ҳуқук соҳасининг муайян мавзуси бўйича ҳуқуқий ахборотларни ийғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- ҳуқуқнинг муайян соҳаси билан боғлиқ бўлган асосий обьектларни, ҳодиса ва жараёнларни билиш, уларни илмий-тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланиш, зарур қарорларни ўз вақтида қабул қила олиш;
- ҳуқук соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- ҳуқук соҳасига оид амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ҳуқук соҳасига оид муайян фаолиятни янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил этиш ва баҳолаш;
- бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;
- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий ва бошқа юридик соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўкув адабиётларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллай олиш;
- соҳага тегишли қонун нормаларини таҳлил қилиш;
- суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқук нуқтай назаридан таҳлил қила олиш;
- соҳага оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш **қўникма ва малакаларига** эга бўлиши керак.


IV. Якуний қоида

Мазкур малака талаблари ижтимоий-иктисодий соҳанинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади.

**Тошкент давлат юридик
университети ректори в.в.б.**

2019 йил “30” август



 Н.С.Салаев